



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

20 -апрель 2021 ж /й

02-04/01- 2000 -сонли

**Амударё тумани
Халқ таълими бўлимига**

Сизнинг 2021 йил 22 феврал кунги №52/2-сонли хатингизда Амударё тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 85 та умумтаълим мактабларининг 34 тасида 0,5 ставка штат бирликда ўқув-тарбия ишлари бўйича ва 0,5 ставка штат бирликда маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида жами 68 нафар ходим фаолият юргизиш келиши, ушбу ходимларнинг дарс соатларига тарификация тизимини шакллантиришда ва иш хақи ҳисоблашда тушунмовчиликлар келиб чиқиши бўйича аниқлик киритиб беришда амалий ёрдам сўралгани кўрсатилган.

Бу ҳолат бўйича, Бундан аввал Амударё тумани Адиллик бўлимига 2021 йилнинг 22 февралдаги №52/3-сонли хатингиз билан ушбу юқоридаги кўрсатилган масалаларга аниқлик киритиб беришда мурожаат қилганлигиниз ва улар томонидан Сизга, 2021 йил 15 март куни №2/1-1/35-сонли хати орқали жавоб берилганлигини маълум қиламиз.

Иловага, тумани Адиллик бўлимининг жавоб хати 1 варақда тақдим этилади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б

Қ.Бекбаулиев



ЎЗБЕКСТАН RESPUBLIKASI A'DILLIK MINISTR'LIGI
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI A'DILLIK MINISTR'LIGI
A'MIWDARYA RAYONI A'DILLIK BO'LIMI

230700, A'miwdariya rayoni, Mang'it qalasi, Barkamal a'wlad ko'shesi, nomersiz joy,
tel.: (998 61) 515 44 15 el.pochta: amudaryo-adliya@exat.uz, amudaryo@adliya.uz


2021 йил 15 март 2/1-1/35

Амударё туман Халқ таълими
бўлими бошлиғи
Р.Матқурбановга

Сизнинг 2021 йил 22 февралдаги 52/3-сонли хатингизда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "@uzedu" расмий телеграм каналидаги савол-жавоб юзасидан куйидагилар маълум қилинади:

Ўқув-тарбия ишлари бўйича ва маънавий-маърифий ишлар бўйича тумандаги мавжуд 68 штат директор ўринбосарлари 0,5 ставкада бўлишидан хатий назар уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарори билан тасдиқланган "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида"ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2019 йил 22 апрелда 3157-сон рўйхат билан ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 3-2019, 19-кк ва 15-2019-кк-сон қарорига ИЛОВА "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш" МИКДОРЛАРИнинг Илова жадвалида белгиланган меъёрлар асосида дарс соатларига тарификация тизими шакллантирилади ва иш ҳақи ҳисобланади.

Бўлим бошлиғи


М.Матюсупов

